



ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ
АКАДЕМИЯСИ



КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ



“ЎЗДОНМАХСУЛОТ”
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**САНЪАТ ВА БАДИИЙ ТАЪЛИМНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТНИ
МАЪНАВИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДАГИ ЁРНИ**
халқаро илмий-амалий конференцияси

**РОЛЬ ИСКУССТВА
И ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ
В ДУХОВНОЙ МОДЕРНИЗАЦИИ
СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА**
международная научно-практическая конференция

**THE ROLE OF ART AND ART EDUCATION
IN SPIRITUAL MODERNIZATION
OF CONTEMPORARY SOCIETY**
international scientific-practical conference

ТОШКЕНТ - 2018

ЎРТА АСР КУЛОЛЧИЛИГИДА КЎЛЛАНИЛАДИГАН СИРЛАРНИНГ ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТГИЧЛАРИ

Д.Ташходжаева,
Камолиддин Бехзод номидаги МРДИ
(Ўзбекистон)

Аннотация: The summary: Article is devoted technics and technological indications of glazes applied in ceramics. Properties of glazes of the different periods of development of glazes ceramics of Uzbekistan are considered.

Ўрта Осиё сирли кулолчилиги сирларининг ишлаб чиқариш технологияси ва уларнинг технологик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар кенг кўламда ёритилган. Ўзига хос қизиқарли маълумотлар М.А.Безбородов, В.Л.Вяткин, О.Г. Большаков ишларида ўз ифодасини топган. Спектрал анализлар бўйича энг қадимий Ўрта Осиё кулолчилик буюмларининг сирларининг таркибида кўп миқдорда кум(кварц), алюминий, натрий, калий (натрий миқдори кўпроқ) ташкил топган. Лекин, кўрғошин ва қалайи оксидлари жуда кам миқдорда ёки умуман аниқланмаган. Бу эса ўз навбатида кўйидаги фикрга олиб келади: Ўрта Осиё сирлари поташли эмас, балки ишкорли бўлган (уларнинг таркибида натрий оксидлари кўп миқдорда мавжуд бўлган). Ушбу ишкорли сирларнинг ўрганиш жараёнида, уларнинг тайёрланиши, сифати ва технологик кўрсаткичлари тўғрисида кўйидаги маълумотлар аниқланган:

1. ўрта асрларда ишкорли сирлар буюм сатҳига ангобсиз суртирилган;
2. қатлами текис эмас;
3. сир массасининг таркибида кўп миқдорда кварц кристаллари мавжуд бўлган;
4. сирнинг шишасимон массаси яхши эримаган.

Шундай қилиб, қадимий сирлар – бу – шишасимон тиниқ эмас қатлам, чунки уларнинг таркибида кўшимча моддалар мавжуд бўлган. Лекин, Ўрта Осиё сирлари ҳар доим ишкорли бўлмаган. Ҳар бир давр сирлари, ўзига хос муайян ишлаб чиқариш технологияси, услуги, технологик жараёнини такомиллаштириш натижасида юзага келган. Масалан, VIII-IX асрларда бадий буюмларнинг устига асосан ишкорли сирлар суртилган. Бу даврларда ишлатилган ишкорли сирларнинг таркиби кимёвий таҳлилларга кўра кўйидагича бўлган: натрий оксиди -19,34%, ёки 18,1%. Лекин IX-XI асрларга келиб, ишкорли сирларнинг ўрнига кулол-усталар кўрғошинли сирларни ишлатишган. Бунга кўйидаги сабаблар таъсир этган: ишкорли сир махсус сополакни талаб этган, бундан ташқари сир тайёрлаш технологияси унча ривожланмаган.

Бу борада бир неча технологик сабабларни кўриб чиқиш мумкин.

1. VIII-IX аср бошларида сирни тайёрлаш технологияси унча ривожланмаган. Айниқса, ишкорли сирларни тайёрлаш усули анчагина

мураккаб бўлган. Бу иш билан шуғулланган ижодкор-кулоллар махсус тайёргарлик ва мураккаб технологияни билишлари лозим эди. Дарҳақиқат, ишкорли сирлар махсус сополак ишлатилишини тақозо қилади. Афсуски, ўша даврда фақатгина лойдан тайёрланган сополаклар қўлланилган. Лекин, махсус, кўпқумли сополаклар бўлмаган. Бу эса ўз навбатида кўрғошинли сирларга эътибор қилишни, технологик жараёни такомиллаштиришни талаб этган.

2. Ишкорли сирларни фритталаш лозим.

3. Ишкорли сирнинг эриш ҳарорати кўрғошинли сирга нисбатан баланд бўлган.

Шундай қилиб, ишкорли сирларнинг технологияси анчагина мураккаб бўлган. Ушбу техник ва технологик сабабларга кўра маҳаллий кулолсозлар, ишкорли сирларни тарк этиб, кўрғошинли сирларга эътиборларини қаратишган (X-XII аср). Лекин, ишкорли сирлар мутлақо йўқ булиб кетмаган. Биринчидан, ишкорли сирнинг хом ашёси арзон бўлган, иккинчидан, ушбу сирлар асосан меъморчиликда кенг қўламда ишлатилган, чунки кулол усталар кўп қумли сополакни устида ишкорли сирларни суртиб, меъморий безакларни тайёрлашган. Яна шунини таъкидлаш жоизки, ишкорли сирлар XI асрда Эрон (Нишапурда) яна пайдо бўлган. Лекин сир тагида ишлатилган сополак -кошин деб номланувчи массадан тайёрланган. Унинг таркиби кум, каолин ва дала шпатидан иборат бўлган. Ўрта Осиёда кошиндан тайёрланган буюмлар XI-XII асрларда кузатилган. Ушбу буюмларга ишкорли сир ишлатилган. Қадимий Ўзбекистон фаянсининг таркиби куйидагича бўлган: кум, лой ва оҳак.

Лекин кошин сополагининг асосий камчилиги шундаки, уни тайёрлаш учун қимматбаҳо хом ашё-каолин келтириш ва махсус куйдириш технологиясини таъминлаббериш керак эди. Бу борада кулол усталар мутлақо бошқа йўл танлашган: сополак лойдан қилинган, лекин устига кўп қумли ангоб суртилган.

Темурийлар давлатининг пайдо бўлиши ва тараққий этиши натижасида сирли сопол буюмларни ишлаб чиқаришга асос солинди. Бундай сопол идишлар ўзининг пишиқлиги, нафис ишлов олганлиги, ишкорли сирларининг тиниқлиги билан кишиларни лол қолдиради. Ушбу ишкорли сирлар қийин эрувчан, кўп қумли бўлган. Уларнинг таркиби куйидагича: кремний оксиди – 68,80%, натрий оксиди –(ишкор) -7,20% бўлган. Юқорида зикр этилган маълумотлардан куйидаги фикр-мулоҳазалар келиб чиқади:

1. Сирнинг таркиби сополакнинг таркиби билан узвий боғлиқлиги аниқланади.

2. Ўрта аср сирларининг ишлатиш тартиби, қўлланилиши асосан ўша давр давлатининг иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш усуллари билан боғлиқ эди.

Лекин қадимда пайдо бўлиб, ишкорли ва кўрғошинли сирлар шу вақтгача анъанавий ва ноанъанавий композицияларда намоён бўлиб келмоқда. Ўрта аср даври сирли кулолчилигида, рўй берган жараёнлар кейинги асрларда безак услуби ва кулолчиликда безак тузилиши тизимининг шаклланишида, техник ва технологик жараёнида муҳим таъсир этди.

4. Сирларнинг турлари ва таркиби:

1. Қўрғошинли сир
Асосий оксидлар.
Қурғошин оксиди – PbO
Кремний оксиди – SiO₂
Алюминий оксиди - Al₂O₃
2. Қурғошин – ишкорли сир таркиби:
 1. Натрий оксиди – Na₂O
 2. Қурғошин оксиди – PbO
 3. Кремний оксиди – SiO₂
 4. алюминий оксиди — Al₂O₃
3. Қурғошин – ишкорли сир (таркибида CaO, MgO – мавжуд)
Таркиби:
 1. Натрий оксиди - Na₂O
 2. Кальций оксиди – CaO
 3. Магний оксиди – MgO
 4. Қурғошин оксиди - PbO
 5. Кремний оксиди – SiO₂

АДАБИЁТЛАР:

1. М.К.Рахимов. Художественная керамика Узбекистана. Ташкент, 1961.
2. Л.Ф.Акунова. Материаловедение и технология производства художественных керамических изделий. Москва, 1979
3. Н.С.Гражданкина. Архитектурная керамика Узбекистана. Ташкент, 1968.

РОЛЬ ТИПОГРАФИКИ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОГО ИСКУССТВА

С.Пирматов,
НИХиД имени К.Бехзода
(Узбекистан)

Annotation: The article reveals the questions connected with typography. It shows its importance in training future specialists with reference to dictionaries and the explanation of this term by scientists. The formulation of the concept of "typography" and "graphics" is given, the relationship and features are disclosed.

Типографика сегодня функционирует не только в традиционных областях, но и стала незаменимым средством в новых, быстро развивающихся областях, как реклама, фирменный стиль и т.д. Ею пользуется человек для передачи и приёма информации. Типографика сегодня является одним из актуальнейших графических средств. Её художественное совершенство строится на одном из основных требований взаимодействия содержания и